



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 87 (9.584) 2001 йил 27 июль, жума Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг республика олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқишга тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришни 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун олий ўқув юртлирига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилади.

2. Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг:

чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари учун — фойсиз таълим кредитлари бериш;

кам таъминланган oilалардан чиққан талабалар учун — кредит учун қўшилган фойзалар суммасининг 50 фоизини Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жаамгармаси маблағларидан тўлаган ҳолда имтиёзли кредитлар бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Тижорат банкларига: кредитнинг асосий суммаси ўқув юртини битиргандан кейин қайтариладиган имтиёзли даврли кредитлар бериш;

таълим кредитлари учун фойз ставкаси миқдорини Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорларда белгилаш тавсия этилсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси, Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида таълим кредитлари, шу жумладан, имтиёзли шартлардаги таълим кредитлари олиш имкониятлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов ва Х. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 26 июль.



Пойтахтимиз метросининг ҳар бир бекати ўзига хослиги, бетакорлиги билан ажралиб туради. Энг улғу ва энг азиз байрамимизга қизгин тарафдуд этаётган шу кунларда жадаллик билан бунёд этилаётган метронинг Юнусобод йўналишидаги бекатлар ҳам ушбу фикримизга далил бўлади. Бу ерда ўз касбияга ихлос қўйган, турли миллатга мансуб метросозлар қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Тоҳир Нигматуллин тасвирига туширган куйидаги суратда бир гуруҳ фидойи метросозлар ифодаланган.



ҚИСКА сатрларда

- **ИСТИКЛОЛ** айёмининг 10 йиллиги арафасида «Тошкент қурилиш материаллари» ҳиссасдорлик жамияти томонидан сифатли қошин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- **ТОБОРА** ақинлашиб келаётган янги ўқув йилида мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги 12 та нашриёт ходимлари қизгин фаолият олиб боришмоқда. Истиклолнинг 10 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги нашриётлар томонидан дарсликлар нафақат китоб шаклида, балки китоблар чоп этишининг иқтисодий жиҳатдан қўлай тури дастурлар видеотасмага ёзилган дискетлар ҳолида мактаб ўқувчиларига тақдим этилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек янги ўқув йилидан дарсликларга 4 йил муддатга ўқувчига ижарага бериш масаласи ҳам мутасаддилар томонидан ижобий ҳал этилди.
- **ИСТИКЛОЛИМИЗНИНГ** 10 йиллик айёми ҳамда оналар ва болалар йили муносабати билан Миробод туманидаги 5-туғруқона мажмуида замонавий талабаларга жавоб берадиган тиббий асбоб-анжомлар келтирилди.
- **ЎТГАН** кунни Акмал Икромов туманидаги «Дўстлик» маҳалласида туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жаамгармаси ҳамкорлигида маҳалла фаоллари иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Маҳалла кунини» деб номланди.
- **ШАҲРИМИЗДАГИ** Тошкент биржа фонд марказида брокерлик идораларининг йиғини ўтказилди.
- **ЎТГАН** кундан эътиборан пойтахтимизда ободонлаштириш ойлуги бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат тарихи музейи худудида гуллар эгилиб, гулзор ташкил этилмоқда. Собик Бош Универсал магазини худудида чимлар ётқизибли, фаввора кечаларига сув пуракаччилар ўрнатилди.
- **ЎТГАН** кунни Ҳамза туманида туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жаамгармаси ҳамкорлигида тумандаги барча маҳаллалар жамоалари ўртасида туман ҳокими соврини учун футбол муسابақиси уюштирилди.

ҚУЛАЙЛИК

Аҳоли хизматида

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси ҳаракат тартибидан оқилона фойдаланиш, иш асосида уларнинг техник воситалари ва технологияларини такомиллаштириш масалаларига асосий эътиборни қаратмоқда. Уюшмага қарашли ҳар бир сарой, депода техникага тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Бунинг амалий исботини жойларда йўналишлар бўйича тузилган ишчан ва мохир транспорт гуруҳлари мисолида кўриш мумкин. Улар «Йўналиш сардори» деган ном билан атала болади. Аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган транспорт воситаларида «Йўналиш сардори» ёзуви ҳам пайдо бўлди. Бундай трамвай вағони, ав-

тобус ва троллейбусларни ўз касбининг мохир усталари, малакали транспортчилар бошқаришмоқда. 24-йўналишда ҳаракатланаётган автобуслар ҳам «Йўналиш сардори»ларига ишониб топширилди. Бу гуруҳ мохир хайдошни Ҳолмурод Асқаров сардорлигида фаолият кўрсатмоқда.

Тажрибаби ва чалғидат транспортчилардан Юсуф Соипов, Равшан Аҳмедов, Қобил Асқолов, Рўзбой Қосимов ва бошқалар шу ҳаракат таркибида «Мерседес» автобусларини бошқариб йўловчиларга намунали хизмат қилишмоқда.

«Йўналиш сардори»га эга бўлган яна бир неча ишчан гуруҳлар ҳам тузилди. Бу янгилик ўз афзаллигини ҳар томонлама кўрсатмоқда.

Атхам АЗИМОВ

ҚУРИЛИШ

Янги экспонатлар билан бойийди

Авал хабар берганимиздек Ўзбекистон тарихи давлат музейида қайта таъмирлаш ишлари тендер асосида олиб боришмоқда. Уни 12-трестга қарашли 50,52-ҳамда 20-қурилиш бошқармалари қурувчилари бажаришмоқда. Албатта, музейнинг ўзига хос қурилишида, экспонат макетларини ҳамда кўргазма жиҳозларини тайёрлашда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ «Ижодият» устанонаси, «Алтемур» ҳиссасдорлик жамияти, «Ўзбектеелефильм» студияси, «Дийдор» ва темиршунослик институтларининг ишчи-хизматчилари иштирок этишмоқда. Айни кунларда бу даргоҳда асосий қурилиш

ишлари нийоясига етказилиб, 1 миллиард 250 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Экспонатларни яратиш жараёни ҳам, қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан бир вақтнинг ўзида олиб борилди. Бунинг учун эса катта иқтидор, катта меҳнат керак бўлди, — деди музейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўлими мудири Жамолиддин Гофуров. — Шу кунга қадар музейда 250 миңдан ортиқ экспонат тўпланган. Бундан ташқари Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб Мустақил Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданият ва маънавий янгилашни йўлида» деб номланган экс-

позициялар музейимизнинг тўртинчи қаватида ташкиллаштирилди. Бунда ҳар бир соҳа 10 йил давомида эришган ютуқларимизни намойиш этади. Бу экспонатларни рисоладагидек ўрнатилган бир қатор таниқли академик олимлар билан биргаликда барча вазирлик ва бунга алоқадор бўлган ташкилотлардан вакиллар келиб яқиндан ёрдам бериб, илмий-назарий томондан ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб кетишмоқда.

Ҳар бир даврни акс эттирувчи экспонатлар билан бирга илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар мониторинг телеэкранлар орқали кўрсатилади. Экспонатлар тарихи ва бу тўғридаги ахборотномалар уч тилда ёзилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи яқин кунларда ўзига хос кўринишга эга бўлиши билан бирга яна янги экспонатлар билан ҳам бойийди.

Очил ҲАЗРАТОВ

Мамлакатимизда

● Шу йил 29 июлда айрим сайлов округларида бўлаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов бўлиб ўтди. Бу ҳақда республика Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қарор қабул қилди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида адабиёт, санъат, илм-фан номиёндалари жойларда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Термизда бўлиб ўтди. Сурхондарёлик шеърят муҳлислари Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашди.

● **Кеча** республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси марказий кенгашининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллигидан азият чекаётган туманларга 115 миллион сўмлик — суғориш насослари, тракторлар, тиркамалар ва кенг сизимли сув сақлаш мосламаларидан иборат бўлган хайрия ёрдамлари кўнати.

● **Кеча** Миллий матбуот марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Э. Хёрбст ва «Атамакан» хайрия жаамгармаси ижрочи директори Есназар Усенов Қорақалпоғистондаги Халқдор шахри аҳолисини сув билан таъминлаш бўйича лойиҳани молиялаштириш учун 25 миң АҚШ долларига тенг миқдордаги грант шартномасини имзолади.

● Имом ал-Бухорий Халқаро жаамгармасининг ташаббуси билан Андижонда «Истиклол йиллари: миллий диний кадрларнинг халққа қайтиши» мавзусида анжуман ўтказилди.

● Макроиктисодий ва статистика вазирлигида 2010 йилгача бўлган даврда энергияни тежашнинг тармок, минтақа ва миллий дастурларини ишлаб чиқишга бағишланган амалий семинар-кенгаши нийоясига етди.

● **Бугун** Эллиқкаля туманининг Бустон шаҳри Маданият саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Оқ уй раҳбарининг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондалейс Райс хоним Москвада Кремль мулозимлари билан музокараларни бошлаб юборди. Дастлаб Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби Владимир Рущайлов билан учрашган Райс хоним **кеча** Президент Владимир Путин ва мудофаса вазир Сергей Иванов қабулида бўлди.

● Индонезия вице-президентининг номи аниқ бўлди. **Кеча** мамлакат парламенти шу лавозимга кўрсатилган беш нафар номзод орасидан мусулмонлар партияси етакчиси Ҳамзаз Ҳазни сайлади. Индонезиянинг собиқ раҳбари Абдурахмон Воҳид **кеча** президент саройи билан хайрлашиб, даволаниш учун АҚШга йўл олди. Янги Президент Мегавати Сукарнопутри расман ўз вазифасини бажаришга киришди.

● ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмасининг тақдими бўлиб ўтди.

● Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун мамлакатда беш кунлик иш ҳафтаси тартибин жорий этиш гоёсини қўллаб-қувватлади.

● Югославия парламенти ҳукуматнинг янги аъзоларини тасдиқлади.

● Россия пойтахтида юз берган кучли шамол ва ёмғир туфайли етти киши ҳалок бўлди. 50 дан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олди.

● **Кеча** Рейтер ахборот агентлигининг раҳбари сифатида фаолият бошлаган Том Глорес бир миңг юз нафар ходимни ўз вазифасидан озод этишини маълум қилди.

● **Кеча** Жакартада Индонезия Олий суди раиси номаълум кишилар томонидан отиб ўлдирилди. Маълумки, у собиқ Президент Сукартонинг ўғлини коррупцияда айблаб, 18 ойга қамоқ ҳозорисига маҳкум этган эди.

● Хиндистонда ўтказилган Шанкар халқаро болалар расмлари муسابақаларида ўзбекистонлик ўқувчилар Н. Зиёнонова ва А. Ҳамроевлар олтин медаль соҳиб бўлишди.

● Ўзбекистоннинг спорт нуфузи кундан кунга ошиб бораётганлиги Эронда минч-футбол бўйича бўлиб ўтган 3-Осиё чемпионати давомида яна бир бор кўзга ташланди. Унда китъадаги 14 та мамлакат жамоалари орасида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, чемпионатнинг кумуш совринини қўлга киритди.



Шахримизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган «Мавж» Ўзбекистон-Австралия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар харидорлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда бу махсулотларга талаб ортиб бормоқда.
СУРАТДА: корхонанинг угра цехида иш қизғин.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ТАДБИРЛАР

Мароқли кеча

Акмал Икромов туманининг Оқтепа маҳалла-сида оналар ва болалар йили ва Мустақиллик-нинг 10 йиллигига бағишлаб давра суҳбатла-ри, учрашувлар, қизиқарли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Кунги кеча ушбу масканда «Мустақиллик, маъна-вият ва аёл» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдурахимова сўзга чиқиб, пойтахтда маъ-навият ва маърифат ишларини ривожлантириш бо-расида қўлланилаётган тажрибалар ҳақида тўхтал-ди, хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий ма-даниятга эга бўлишларини таъминлаш, соғлом эъти-қодни шакллантириш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги диний ишлар кўмитаси аёллар билан иш-лаш шўъбасининг муdiri Соҳиба Абдуллаева «За-мон ва ислом», Ўзбекистон Мусулмонлари идораси аёллар билан ишлаш шўъбасининг муdiri Мав-луда Эминова «Куръони каримнинг миллий маъ-навиятимиз ва аёллар маънавиятидаги ўрни», Ўзбе-кистон Мусулмонлари идораси аёллар билан иш-лаш шўъбасининг етакчи мутахассиси Муҳиба Ҳами-дова «Исломиёй ва замонавий либослар» мавзула-рида сўзга чиқиб тадбирга йиғилган маҳалла фаол аёллари, хотин-қизлар кенгашлари раислари ва маҳалла фуқаролари билан ўз фикр-мулоҳазала-рини ўртоқлашди.

Тадбир бадиий ҳаваскорларнинг куй ва қўшиқ-лари билан ниҳоясига етди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ҚУРИЛИШ

Шинам савдо дўконлари

Пойтахтимизда бугунги кунда қурувчи-ларнинг баракали меҳнатлари эвазига қай-та таъмирланиб, кўркам кўринишга эга бўлаётган бош универсал магазини бино-си эндиликда «Чорсу савдо маркази» деб номланади.

Бунёдкорлик ишларини жадаллик билан олиб бораётган «12-трест» ҳиссадорлик жами-ятининг 50-, 52-, 20-, 65-қурилиш бошқарма-лари қурувчилари ёзнинг саховатли кунлари-дан унумли фойдаланишмоқда. Бинонинг ички ва ташқи пардоз ишлари қизғин олиб борил-моқда. Ҳар бир қават хизмат кўрсатишга қараб пардозланмоқда.

Бино фойдаланишга топширилгач унинг 1-қаватида тамаки ва гилам махсулотлари раста-лари ҳамда заргарлик дўконлари жойлашади. 2-қаватда эса спиртли ичимликлар билан сав-до қилинади. Бинонинг 3- ҳамда 4-қаватидан кийим-кечаклар билан савдо қилувчи дўкон ва дўкончалар ўрин олади. Бу ерда жами 274 та савдо дўкони ва дўкончалари ўрин олиб, харидорларга намунали хизмат ташкил этилади. Шу боис ҳам бунёдкорларнинг айна кунларда мақсади кўркам бинони тез ва соз қуриб, фой-даланишга топширишди.

Дилфуза ҒОҒУРОВА

ТАДҚИҚОТ

Изланишлар самараси

Тошкент Давлат авиация ин-ститутининг йирик олий ўқув юрти янгилик кенг қўламада фаолият кўрсатиб келмоқда. Таълим-тар-бия ишлари билан бир қаторда илмий тадқиқотлар ҳам изчил олиб борилмоқда.

Бундай илмий изланишлар асосан фан-техника давлат дас-

тури ҳамда фундаментал тад-қиқотлар дастури бўйича амал-га оширилиб, яхши натижалар-га эришилмоқда. Қўрилаётган иқтисодий самаралар кўтилгани-дек бўлмоқда.

Бу борада қилинган йирик тадқиқотлар натижалари сарҳи-соб қилинди. Шу қисқа вақт ичи-

да 6.215 минг сўмлик иш бажа-рилиб, амалиётга таътиқ қилин-ди.

Бундай олий ўқув юртининг Америка, Германия, Швейцария, Россия каби мамлакатлар илмий марказлари билан илмий ҳам-корлиги қўл келди.

Акбар АЛИЕВ.

ҲАМКОРЛИК

«Кейс» деталларига ишлов бериб

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси Тошкент самолётсозлик касб-ҳунар коллежи ҳам яқиндан туриб амалий ёрдам бериб келмоқда. Билим дароҳининг битирувчилари учун эса корхонада ўз ўринлари ажратиб берилди.

Коллеж талабаси Шерзод Маманов ўзига би-риктирилган 30-цехдаги иш жойидан унумли фойдаланиб, асосий иқтисодийликдан ташқари чилангарлик пармалаш ҳамда рақамли дастурлар билан бошқариладиган дастгоҳлар устаси касб-ларини ҳам эгаллади.

Унинг орттирган тажрибаси «Кейс» пахта те-риш машинасининг қўшимча деталлари» деган мавзудаги битирув ишини яқунлашга ёрдам бер-ди. Унинг бу техник изланиши корхона машина-созлари томонидан яхши баҳоланди.

Азиз АЪЛОЕВ

ТАЪЛИМ

Бомбейдан илмий даража билан

Ҳиндистондаги Бомбей халқаро коллежи ўзининг навбатдаги битирувчиларига оқ йўл тилади. Ўзбек қизи Наргиза Азизова ҳам ўқишни муваффақиятли тугатлаб, халқаро ба-калаврлик илмий даражасини қўлга киритди.


Гап шундаки, бундан икки йил олдин «Жаҳон коллежларини бириштирувчи» халқаро ташки-лот номидан Тошкентдаги 17-мактабга мактаб йўлланган эди. Унда энг яхши ўқувчилардан би-рини Ҳиндистонга ўқишга юбориш сўралган эди. Педагогик жамоа иқтидорли толиби илм Нарги-за Азизова номзодини кўрсатди.

Жаҳоннинг 75 мамлакатидан келган ўғил-қиз-лар қаторида Наргиза ҳам берилиб ўқиб, Бака-лаврлик илмий иштини олиб борди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Нарги-за Азизова биринчилардан бўлиб бундай нуфуз-ли илмий даражага эришди.

Анвар ВАЛИЕВ

**Сўранг,
жавоб берамиз**



Турмуш қурганимга 10 йил бўлди. 3 та фарзандим бор. Биз яшаб турган хонадон турмуш ўртоғининг номида. Лекин биз қонуний ажрашиб кетганмиз. Ҳозир мен барча коммунал тўловларини 5 киши учун тўлайман. Болаларимнинг отаси эса бу ерда яшамайди. Айтингни, мен шу уй-жойни ўзимнинг номимга ўтказсам бўладими?

Д. Муродова

Хонадон собиқ турмуш ўртоғингиз номида бўлса унинг розилиги билан ўз номингизга ўтказсангиз бўлади. Фар-зандларингиз учун бериладиган алимент пулини ололмаёт-ган бўлсангиз туман судига муурожаат этишингизни масла-ҳат берамиз.

Биз яшаб турган уй-жой қайнонамнинг номларида эди. Қайнонам ўз жияларини ота-онасиз қолганда боқиб, катта қилиб, ҳовлимизнинг бир томонида уй со-лишга рухсат берган эдилар, албатта вақтинчаликка. Ле-кин бу жиян яқинда шу уй-жойнинг ўзига тегишли эканини тасдиқловчи ҳужжатни туман ҳокимлигидан олиб келди. Айтингни, туман ҳокимлиги томонидан чиқарилган қарор тўғрими? Ахир бу ҳужжат учун уй эгаси бўлган қайнонам-нинг ва бошқа оила аъзоларининг розилиги керак эмасми?

М. Абдуллаева

Сиз яшаб турган уй-жой қайнонангиз номида бўлган бўлса, у кишининг ёзган аризаси бўйича, рухсати билан туман ҳокимлиги қурилган уй-жойга эгаллик ҳуқуқини чиқарган бўлса керак. Бу ҳолда фақат уй-жойнинг эгаси аризаси талаб қилинади, оила аъзолари розилиги олин-майди, агарда бу қарордан норози бўлаётган бўлсангизлар суд тартибида ҳал этишингиз мумкин.

Мен бир одамга гувоҳлар олдида ва ёзма равишда тасдиқланган ҳолда 5000 доллар қарз берган эдим. Лекин мана қайтарилиш муҳлатидан 2 йил ўтиб кетди, ҳалигача берган пулимини ологаним йўқ. Мен нима қили-шим керак?

О. Носиров

Берган қарзингизни ундириш масаласи бўйича сиз жа-вобгар (қарз олган фуқаро) яшайдиган туман судига му-урожаат этишингиз мумкин.

Автомашинанинг техник паспорти ёки давлат ра-қами белгиси йўқолиб қолганда қандай тикланади?

К. Тураев

Шахсий паспорти, яшаб турган жойдаги давлат автомо-биль назорати бўлимидан маълумотнома, ариза тўлдирила-ди, ахборот марказида ҳисобга қўйилади. Давлат белгиси ёки техник паспорт йўқолган бўлса кўрсатилган пул сум-маси тўланиб тўлов чиптаси олинади.

Республикамизда никоҳни қайд этиш неча ёшдан белгиланган?

М. Исмоилова

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга ки-ришни хоҳловчиларнинг илтимосига қўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мум-кин.

Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икром ИСМОИЛОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масала-лар юзасидан 132-11-39 телефонида қўнғироқ қилсангиз ма-лакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.



Душанба

30



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Талим-намуна» 8.45-17.55 ТВ марказ...



16.00 Курсатувлар дастури. 16.05 «Дарв» ҳафта ичида. 16.45 «Янги авлод» почтаси...



20.15 «Табриклиймоқ, кутлаймиш» 21.25, 22.25 «Ўзбеким навоси» 22.10 «Долзарб мазун»...



5.00 «Хайри тоғ» телеканали. 8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар. 8.15, 18.00 «Муаббат ери»...



13.30 «Белибика пулар» телесериали. 14.30 «Еввойи фаршаш» телесериали...



6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 13.40, 17.35, 20.35 «Кримнал»...



7.00 «Кайфит» 10.00 «Нафиса» 10.40 Курсатувлар дастури...



7.00 «Кайфит» 10.00 «Нафиса» 10.40 Курсатувлар дастури...



8.45, 21.00 Тасодифий гувоҳ. 10.30, 15.30, 19.30, 2.30 Янгиликлар...

Сешанба

31



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Абботот» 8.35-17.55 ТВ-марказ...



16.00 Курсатувлар дастури. 16.05 «Дарв» ҳафта ичида. 16.45 «Янги авлод» почтаси...



22.30 Туги тароналар ва «Экология» латифалари. 22.40 «Даллас» телесериали...



10.30 «Жанговар синаёт олами» Спорт дастури. 11.00 «30-каналда» премьераси...



5.50, 6.50 «Қўрғас асослари» 6.15 «Олимай» янгиликлари...



6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 13.40, 17.35, 20.35 «Кримнал»...



7.00 «Кайфит» 10.00 «Нафиса» 10.40 Курсатувлар дастури...



7.00 «Кайфит» 10.00 «Нафиса» 10.40 Курсатувлар дастури...



8.45, 21.00 Тасодифий гувоҳ. 10.30, 15.30, 19.30, 2.15 Янгиликлар...

Чоршанба 1

21.20 Ватан қандақ қўшиқлар. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Озод юрт фарзандлари».

22.00 «Сайёатлар олами». 22.15 Киноматограф. «Тунжа-соғалар» Бадий фильм.

17.20 Инсон ва кунун. 20.00 «Време». 20.40 Елги комедия. Л. Нильсон «Мистер Магу» комедиясида.

10.25, 22.30 Сафархатласиз оғиб бордилар. Серил. 10.40, 22.45 «Фиръан» бадий вақт дорасида» сериали.

Пайшанба 2

22.25 «Саяна ҳаёти». 22.55 «Ахборот». 23.30-23.35 Ватан тинқолари.

1.15-1.20 Хайри тун! 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВА сериал: «Санта-Барбара».

21.35 Мустақил тоқшув: Номинъл учуви объектлар. 22.30 Тунги янгиликлар.

10.25, 22.30 Оғузи дўни. 10.45, 22.50 Кинопародия. 11.30, 23.35 «Й» йил сонати.

Жума

3

6.00 «Ассалом, ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Абдорот»
8.35-17.55 ТВ-маркет.
8.40 Гаваитлар шаҳри.
9.00 «Убактевленинг» намоиши: «Жаҳл устари сулоласи, Сўзана».

23.00 «Абдорот».
23.35-23.40 Ватан тилсолари.
YOSHLAR
18.00 «Абдорот» дастури.
9.00 «Дар» Абдорот дастури.
9.15 «Мултомаш».

Боддийнинг бағи таълият куралида
10.05 «Секрети анор ҳақида эрта», «Жонсарак». Мультфильмлар.
10.25 «Кўраб» Бадий фильм.
11.50, 14.35 ТВ-аним.
12.05 «Тошкент баҳори - 2001». I Халқаро мусиқа фестивали.
12.40 «Сана ҳақида».

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар» Абдорот дастури.
9.15 «Мултомаш».

23.40 «Дар» Абдорот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тоғе ис-таб.

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «ТВ плас».
18.30, 21.00 «Пойтахт» Абдорот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».

15.00 Мезон.
15.20 «Учинчи сайра» маърифат дастури.
16.10 «Шукаткалар». Мультсериал.
16.35 «Кусто командасининг» су-висти саргузаштлари. Теле-сериал. 101-қисм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.

10.30 «Яши қайғит». Муси-қий дам олиш дастури
11.00 «30-каналда премьера. «Дар» ва «Тро». Ҳақиқи сериал.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 20.10 «Телехажор». Фойдала газети.
17.30 «Темур одам». Мультсериал.
18.00 «Шадидлар ва гунаҳорлар». Телевизиал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми.
«Алнинг шаҳсий муаммо». Мелодрама. Ролларда Е. Сафонова, А. Морданаева.
20.05 «Ошқон». Мусиқий да-стури.

5.00 «Яйриги тоғи» телеквали.
8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар.
8.15, 17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
9.15 «Карам-қаршилик». Се-риал (кинотеатр серияси).
10.15 «Янги билан» ҳақиқий дастури.
10.50 Билбланим.
11.15 «Хайри қун» телеквали.
12.10 «Эшларнинг уюни». И. Гу-лар. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
12.50 «Касби — терговчи». Де-тектив 5-сериал.
12.40 Мўҳаббат мамлақати. «Фаришта-қўриқчи».
15.45 «Аралиш-қуралаш» жур-налидаги кўчма воқеалар.
16.00 «Итлар уш». Сериал.
21.00 «Кини мазоуси».
21.40 «Ўз одамлариникиндан». Ҳужжатли детектив. 2001 йил йили.
18.50 Мўҳаббат майдони.
20.00 «Врема».
20.40 «Э». Мерфи «Изабт-ҳурмат-ли жаноб» комедияси.
22.45 Тунги янгиликлар.
23.00 Тунги кинолар. А. Делон «Полцеиенег сун» жангари фильмида.

5.50, 6.50 «Кўра ҳақсиде». 6.15 «Ойлаш янгиликлар». 6.25 «Теледубоқачлар». Бол-лар унн дастури.
7.15 Мультфильмлар.
7.40 «Бугун бир кун».
7.45 «Ҳақиқат тақдир».
7.50 «Набатни қисс».
8.15 «Ўзи роля» мусиқий-дам олиш дастури.
9.00 Мезон оқшом.
9.30 «Санта-Барбара» телесе-риал.
11.30 «Сенсат» телевизиали.
12.30 «Ал қудий нимава ис-тайдиди». К. Новикова ва Е. Яковлева билан тоқ-шоу.
13.30 А. Градов ва И. Свар «Айларни асарни» мусиқий оқ-шом комедияси.
16.30 «Ўз-ўзга режиссор».
17.00 «Янги бахт билан!».
18.00 «Абдорот». Р.Ш. Сериал.
19.30 «Вести» - Москва.
19.50 Кечки сенис. «Экзоти-блеинг! Кимли оимбо». Жаңга-ри фильм.
21.30 К. Воеков, А. Ливанов ва В. Невининг «Генерал билан биз унн» «Плюс» фильмида.
23.35 Сўнги сенис. Д. Мур ва М. Бин «Еттигиз аломат» ўпир сюжетли фильмида (АҚШ).

22.00 «Бугун» С. Сорокина би-лан.
22.40 «Мен ўзим» тоқ-шоуи.
24.00 «Бугун» В. Кара-Мурза билан.
00.40 «ТВ-6 киноатри». Ш. Яг «Экспрессор оғли» эротик де-тективда.
6.00, 7.00 «Бугун эрталаб».
6.20, 7.35, 17.30, 20.35 «Криме-нал».
6.30, 7.20, 16.45 «Нафи тегади».
6.45 Спорт.
6.50 «Узатма вил».
7.50 «Бутузорда қўйлаётган». Сериал.
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00 «Бугун».
9.25 «Уч киши» жангари сериали.
10.25 «Табилатуш» саҳнахат-лари.
11.30 «Мангу даязат». Сериал.
13.30 «Сезам қўчаси». Боллар унн дастури.
14.00 «Ич Никита деб атадилар» Сериал.
15.30 «Эси телевизор».
17.45 «Экзоти бўл!» оилавий ўйини.
18.10 Г. Хазанов. «Бир бор эдим, бир йўқ эдим...».
19.10 О. Пушкунининг «Алн ни-гоми» дастури.
21.00 НТВда премьера. Р. Фо-стер ва Ф. Люкс «Каскадёр-лар» ўпир сюжетли фильмида.
23.45 НТВда премьера. Л. Хен-риксон ва Б. Жеймс «Уй-3» дах-шатли фильмида.

12.50, 18.50 Факултада ҳиди-сиз рўй бергади.
13.45, 4.40 АСТ-журнал.
14.30, 20.00 «Муқоша унн» қли-би» телевизиали.
15.30, 21.30 «Хўжакати экран».
17.15 Мультфильмлар.
17.35 «Қўлтепага олим йўл». 4-қисм.
19.00 Ватаним мененг.
19.30, 6.30 Эракан ташвишлар.
20.30, 5.10 «Экстрадици-2» те-левизиали.
0.30, 4.15 «Одам ва денгиз-қўриқчи».
1.00, 6.05 Нафақат жаз.
3.00 «Сивастис дун». Халқаро аборот агентликлари мате-риаллари бўлиши.
3.25 «Тийкизи Хильда» теле-сериали.
7.00 «Кайғит».
10.00 Икки томонлама портрет.
10.25 Янгилик қўлига шикан-чи».
10.40 Кўрсатувлар дастури.
10.45 Телдўшқон.
11.05 «Сўфиянинг уч қабти» телевизиали.
12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 1.10 «Воқола».
12.15 «Дат» телеквали.
13.10, 0.55 Телдўшқон, 38.
13.20 «Омади танлов».
13.35 «Она бўри» телевизиали.
14.30 Ишбилармон Москва.
15.15 «Инспектор Кресс» детек-тив сериали.
16.30 «Ванойи табият олами» телевизиали.
17.00 «Хўдудлар: очик сўз».
17.30 «Номкулум унн» ҳуж-жатли сериали.
18.15 Телевизион экологик хиз-мат.
18.45 «Горько!» телетанлови.
19.15 «Мода non-stop».
20.00 «Экспрессор асирлигида» телевизиали.
20.50 Ишбилармон Москва билан беш дақиқа.
21.45 «Суперполиция» комик жангари фильми.
23.35 Об-хаво.
23.40 Детектив-шоу.
0.25 Времеко.
1.30 Тур асри.
2.15 «Янгилар ва оилмлар» Бадий фильми.

8.00 «Самба-футболчи» мультсериали.
8.30, 18.30 «Ик исми мушқ» мультсериали.
9.00, 22.30 «Силмонлар» мультсериали.
9.30, 14.45 Телевизиал.
9.45, 12.00 Телдўшқон.
10.15 «Нур ва соя». Бадий фотография тарки.
10.30, 15.30, 19.30, 1.10 Янги-ликлар.
10.45 «Қўлгарист» мелодрама-си.
12.35 Телдўшқон.
13.05, 1.20 «Ик қўш қун» ҳар-бий комедияси.
15.45 «Лил» (Малибу қўлдур-чилад) телевизиали.
16.45 «Бужурнинг тутилган қўш» телевизиали.
18.00 «Шайтон» мультсериали.
19.00 «Дракоша ва комали» телевизиали.
20.00 «Рауан» теленовелласи.
21.30 «Шар» аборот қанали.
22.00 «ИЗШ» комик сериали.
23.00 «Яўдуга бир қим қар-ши» жангари фильми.

Шанба

4

6.00 «Ассалом, ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Абдорот»
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Гаваитлар шаҳри.
9.00 «Убактевленинг» намоиши: «Жаҳл устари сулоласи, Сўзана».

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Дар» тоғи.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазирафи».
9.25 «Мултомаш».
9.40 Аср юфреси.
10.00 Жаҳл қирқоғи.
10.50 Бөл тоғида.
11.20 «Ешлар» телеквалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 «Шарқ тароналар» мусиқа фестивали сайфарилади.

23.00 «Абдорот».
23.35-23.40 Ватан тилсолари.
YOSHLAR
18.00 «Абдорот» дастури.
9.00 «Дар» Абдорот дастури.
9.15 «Мултомаш».

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар» тоғи.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазирафи».
9.25 «Мултомаш».
9.40 Аср юфреси.
10.00 Жаҳл қирқоғи.
10.50 Бөл тоғида.
11.20 «Ешлар» телеквалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 «Шарқ тароналар» мусиқа фестивали сайфарилади.

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернандес».
18.10 «Мисли гавор».
18.30 «Хўсуйлиштириш: қадам бақадам».
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кини-антракт».
9.10 «Ошқон».
9.30 Е. Петросянин «Кулгу панорамаси».
10.05 «Хайронот».

10.30 «Яши қайғит». Муси-қий дам олиш дастури
11.00 «30-каналда премьера. «Дар» ва «Тро». Ҳақиқи сериал.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 19.40 «Телехажор». Фойдала газети.
17.30 «Темур одам». Мультсериал.
18.00 «Шадидлар ва гунаҳорлар». Телевизиал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми.
«Келтидилар» Комачи. Бош ролларда К. Клавш, Ш. Рено.
18.35 «Ошқон». Мусиқий да-стури.
20.10 «Кини-соғат». Дам олиш да-стури.
19.30 «30-канал» кинооқшоми.
«Келтидилар» Комачи. Бош ролларда К. Клавш, Ш. Рено.
18.35 «Ошқон». Мусиқий да-стури.
20.10 «Кини-соғат». Дам олиш да-стури.

5.50, 9.00, 14.00 Янгиликлар.
6.10 «Толти ой» сериали.
7.10 Мултомаш.
7.40 «Узоқ қўш» сериали.
7.30 Руқийи сун. Митрополит Кирилл.
17.35 Мўҳаббат майдони.
8.50 Билбланим.
9.10 «Ошқон».
9.30 Е. Петросянин «Кулги панорамаси».
10.05 Хайронот оламиди.
14.55 Саломатлик.
11.25 «Қудий энгил бўлеги». М. Ефимович ҳузурда мех-молари.
11.55 Р. Уати ва Р. Чамберлен «Уч мушкетёр» фильмида.
12.10 «Узоқ қўш» сериали.
15.05 «Дисон қабри». «Ухамма-си Микки Маус ҳақида».
15.35 Саҳнаки дастур.
17.35 «Фаришта ости». Махсус режиссёр.
17.35 Ш. Коннери «Шарқий эскрессордаги қотиллик» кино-сик детективиди.
22.40 Биринчи канал колледжиси. «Жанубий бада-стриж». Жаңгари фильми.

6.55 «Таранга. Саргузаштлар тар-они» телевизиали.
7.45 «Теледубоқачлар». Бол-лар унн дастури.
8.10 «Ошқон қалит».
8.30 А. Вертинская ва В. Ляно-ва «Алгон элканлар» фильми-да.
9.50 «Хайри тоғ, юртим».
10.40 «Ўзга бир» телевизиали.
11.30 «Ўз-ўзга режиссор».
12.00 «Ғарб дунё. Тери ости-да» саргузашт бадий фильми.
13.00, 16.00, 19.00 «Вести».
13.30 Кудудат сенис. И. Ми-сириниче ва А. Беломошова.
«Уларни афтида танишди-лар» фильмида.
15.00 «Энгил атлетика бўйича дуня чемпионати. Тавонлар ва умаллар.
15.20 Т. Гавришвили янги «Че-гараско мусиқаси» дастурида.
17.00 Мезон оқшом.
17.55 «Аншар».
19.35 Кечки сенис. «Ошқон» му-кофоти совринчиси. А. Шар-шанеттер ва Л. Хамитон Ж. Ка-мероннинг «Терминатор-2» фильмида.
20.45 «Қурордаги икки сар-гузаштлар». Сериал.
22.15 Тунг вудуси. В. Маркер, Л. Ф. Делен ва Э. Андерсон «Му-ҳаббат ўлдирганда» ўпир сю-жетли фильмида.
23.45 Тунг вудуси. «Ошқон».

7.00 Саргузашт ва фантастика олами. «Суперменег янги сар-гузаштлари».
8.05 НТВ каналда мусиқа.
8.20 «Экзоти бўл!» оилавий ўй-ини.
9.00, 11.00, 17.00, 20.00 «Бугун».
9.15 Криминал. «Чин дилдан тун ошқон».
9.45 «Ясимликлар ҳақин». П. Лобко дастури.
10.20 «Уй-ўй масаласи».
11.15 Бизнинг кино. И. Косто-левский, А. Вертинская, С. Крочкова, М. Козовок ва Г. Ламе «Номзид олдус» филь-мида. 1,2-сериаллар.
14.00 «Криминал Россия».
14.40 «Мен ва ишим» деб-шоу-си.
15.20 Кўқарув ҳазмати.
15.55 Сериал «Китилеги хайло-ти».
17.35 Бизнинг кино. А. Пасов ва В. Гостовин «Америкадубо-қачлари» фильмида.
20.45 «Қурордаги икки сар-гузаштлар». Сериал.
22.15 Тунг вудуси. В. Маркер, Л. Ф. Делен ва Э. Андерсон «Му-ҳаббат ўлдирганда» ўпир сю-жетли фильмида.
23.45 Тунг вудуси. «Ошқон».

12.50, 18.50 Факултада ҳиди-сиз рўй бергади.
13.45, 4.40 АСТ-журнал.
14.30, 20.00 «Муқоша унн» қли-би» телевизиали.
15.30, 21.30 «Хўжакати экран».
17.15 Мультфильмлар.
17.35 «Қўлтепага олим йўл». 4-қисм.
19.00 Ватаним мененг.
19.30, 6.30 Эракан ташвишлар.
20.30, 5.10 «Экстрадици-2» те-левизиали.
0.30, 4.15 «Одам ва денгиз-қўриқчи».
1.00, 6.05 Нафақат жаз.
3.00 «Сивастис дун». Халқаро аборот агентликлари мате-риаллари бўлиши.
3.25 «Тийкизи Хильда» теле-сериали.
7.00 «Кайғит».
10.00 Икки томонлама портрет.
10.25 Янгилик қўлига шикан-чи».
10.40 Кўрсатувлар дастури.
10.45 Телдўшқон.
11.05 «Сўфиянинг уч қабти» телевизиали.
12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 1.10 «Воқола».
12.15 «Дат» телеквали.
13.10, 0.55 Телдўшқон, 38.
13.20 «Омади танлов».
13.35 «Она бўри» телевизиали.
14.30 Ишбилармон Москва.
15.15 «Инспектор Кресс» детек-тив сериали.
16.30 «Ванойи табият олами» телевизиали.
17.00 «Хўдудлар: очик сўз».
17.30 «Номкулум унн» ҳуж-жатли сериали.
18.15 Телевизион экологик хиз-мат.
18.45 «Горько!» телетанлови.
19.15 «Мода non-stop».
20.00 «Экспрессор асирлигида» телевизиали.
20.50 Ишбилармон Москва билан беш дақиқа.
21.45 «Суперполиция» комик жангари фильми.
23.35 Об-хаво.
23.40 Детектив-шоу.
0.25 Времеко.
1.30 Тур асри.
2.15 «Янгилар ва оилмлар» Бадий фильми.

8.00 Мусиқий экран.
8.30, 17.15 «Ғаройиб Халк» мультсериали.
9.30, 17.45 «Хитифи» мультсериали.
10.00 «Силмонлар» мультсериали.
10.30 Дунё спорти.
11.00 «Яўдуга бир қим қар-ши» жангари фильми.
11.30 «Катрина Витт. Му у-стиде бўса ол. Му устиде шу!» 14.30, 21.30 Янгиликлар.
14.45, 21.45 Метро.
15.00 Параллеллар.
15.15 «Қўбалик мезон» лирик комедияси.
18.15 Телдўшқон.
18.45 «Бағина ҳадиса».
19.15 «Яўтурсар» Африкада-дан жангари фильми.
22.00 «Яўдуга бир қим қар-ши» жангари фильми.
22.30 «Махфий ҳужжатлар» телевизиали.
23.30 «Вампирлар» мистик трил-лери.
1.50 «О» тарки: Руссияга қай-тиш» эротик драмеси.
4.05 Тунги мушқий олаш.

23.00 Кинопох. «Кутилмаган мезгил»... 00.30 Ойларга ва эълонлар.

11.00 2001 йил - Ойлар ва бошлар билан... 11.20 «Шорук» клуби... 11.30 «Мушкетер» мультфильми.

11.30 «Ташкилот» (рус тилида)... 11.35 «Онданларга ошфта тасвир»... 11.40 «Уртинги комедия».

11.40 «Уртинги комедия»... 11.45 «Бу ким фасо?»... 11.50 «Олтин тоқ».

11.50 «Олтин тоқ»... 12.00 «Онданларга ошфта тасвир»... 12.05 «Уртинги комедия».

12.05 «Уртинги комедия»... 12.10 «Уртинги комедия»... 12.15 «Уртинги комедия».

12.15 «Уртинги комедия»... 12.20 «Уртинги комедия»... 12.25 «Уртинги комедия».

12.25 «Уртинги комедия»... 12.30 «Уртинги комедия»... 12.35 «Уртинги комедия».

17.25 «Бир катнови хайбончи»... 17.30 «Бир катнови хайбончи»... 17.35 «Бир катнови хайбончи».

17.35 «Бир катнови хайбончи»... 17.40 «Бир катнови хайбончи»... 17.45 «Бир катнови хайбончи».

17.45 «Бир катнови хайбончи»... 17.50 «Бир катнови хайбончи»... 17.55 «Бир катнови хайбончи».

17.55 «Бир катнови хайбончи»... 18.00 «Бир катнови хайбончи»... 18.05 «Бир катнови хайбончи».

18.05 «Бир катнови хайбончи»... 18.10 «Бир катнови хайбончи»... 18.15 «Бир катнови хайбончи».

18.15 «Бир катнови хайбончи»... 18.20 «Бир катнови хайбончи»... 18.25 «Бир катнови хайбончи».

18.25 «Бир катнови хайбончи»... 18.30 «Бир катнови хайбончи»... 18.35 «Бир катнови хайбончи».

18.35 «Бир катнови хайбончи»... 18.40 «Бир катнови хайбончи»... 18.45 «Бир катнови хайбончи».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA URTA MAKSUS TAЪLIMI VAZIRLIGI TOШKENT TIЖOPAT KOLLEJИ 2001-2002 ўқув йилига қабул давом этмокда.

9-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар кундузги бўлимга куйидаги мутахассисликлар:

- «Бухгалтерия ҳисоби»
- «Банк иши»
- «Менежер»
- «Савдо»
- «Умумий оқватланиш» (таом тайёрлаш сирларини ўргатади).

11-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун куйидаги ва сиртки бўлимларга контракт асосида куйидаги мутахассисликлар:

- «Тижорат ва тадбиркорлик фаолияти»
- «Аудит»
- «Бухгалтерия ҳисоби»
Ўқишга марҳамат
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, Усам Носир кўчаси, 105-уй.
7, 24, 28 - трамвайлар;
15 - троллейбус;
32, 57, 38, 58, 79, 132 - автобусларнинг «Қон қуйиш» институти бекати.

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

Хотиржамлик йўлдошингиз бўлсин!

• 28 июль — шанба (Ойнинг 8/9 кунин). Бугунги кунда алдовлар, мактовларга ўқиб, баландларвоз ваъдаларга ишонидан ўзингизни сақланг.

• 29 июль — якшанба (Ойнинг 9/10 кунин). Кундалик ташвишлардан дам олинадиган кун. Уни ўз шахсий ҳаётингиз, аждодлар билан болгликнингиз, насл-насабингиз ҳақида фикр-мулоҳазаларга бағишланг.

• 30 июль — душанба (Ойнинг 10/11 кунин). Куннинг рамзи «Оловли шамшир» бўлиб, у бутун бир ойдаги энг энергетик жиҳатдан энг кучли кун ҳисобланади.

• 31 июль — сешанба (Ойнинг 11/12 кунин). Мазкур кеча-кундузнинг ахборот-энергетика қудрати инсонларда раҳм-шафқат ва муруват ҳисларини кучайтиради.

• 1 август — чоршанба (Ойнинг 12/13 кунин). Бугунги куннинг рамзи ўз думини тишлатган йилдир. Бу ҳолат ҳам сайёлар ларик миксанда (Кўш) ҳаракатлар, ҳам одам танасида — қон айланми, ичаклар ҳаракатини билдиради.

• 2 август — пайшанба (Ойнинг 13/14 кунин). Танани энгиллаштириш кунин. Таҳдидан суоқликлар кўпроқ чиқиб кетиши кутилади.

• 3 август — жума (Ойнинг 14/15 кунин). Тулин ойнинг инсон танасига таъсири кучли бўлади. Шунинг учун ортика ҳисмонин зуриқмаслик, одатий ишлар билан шуғулланиш таъсия этилади.

• 4 август — шанба (Ойнинг 15/16 кунин). Сув билан чиқинчилар ҳамма шакллари тана ва руҳнинг тетиклигини оширади.

ТИЖОРAT XАBAPЛAPИ BA ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган

«Жонжапон днёр» ТАНЛОВИ
Танлов йўналишлари:
1. Энг яхши фотороссом
2. Энг яхши компьютерчи-дизайнчи
3. Энг яхши клипчи
4. Энг яхши видеороликчи

Танлов қатнашчилари бу йўналишлар бўйича ўз ишларини куйидаги тақшилотчилардан бирининг манзилига топширишлари керак:
1. Ўзбекистон Республикаси Бодий Академияси - 56-50-47
2. Дизайнчолор Халқоро уюшмаси - 53-17-73
3. «ТАСВИР» ижодий уюшмаси - 41-56-73
4. Урта Махсус касб-хўнар таълими бошқармаси - 133-07-10
5. Тошкент Халқораз Бизнес Маркази - 152-64-62

Энг яхши ишлар учун танлов голбалери куйидаги мукофотлар билан тақдирлансодилар:
Биринчи ўринлар - компьютер ва видеокамералар
Иккинчи ўринлар - компьютер модеми ва фотоаппаратлар
Учинчи ўринлар - компьютер видеокартаси ва фотоаппаратлар
Шунингдек ҳоимийларнинг бошқа қимматбаҳо совғолори
Танловда қатнашишга эриза бериш мудадати 2001 йилнинг 1 августига қадар
Танлов таъсисчиси: Тошкент шаҳар ҳоқимияти

ДИҚҚAT, НАЗОРАТ!
Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!
Назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.
Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томондан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз куйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўрайимиз:
133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

AT «ХАМКОРБАНК»
ОМОНАТЛАРИ ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗГА НАСИБ ЭТСИН!
Шошининг: AT «Хамкорбанк» Тошкент филиали янги «Истиклол» омонат турини тақлиф килади. Бу омонат тури 6 ой мудадага нақд пулда куйилиб, йиллик 60 фоизгача даромад туланади. Омонатга энг кам бадал 5000 сўм. Хар ойда фоиз даромадларини олишингиз мумкин. Омонатга 10 августгача қабул килинади.
Мурожаат учун манзил: Олмазор даҳаси, Фурқат кўчаси, 14-уй. Тел: 45-62-33. Халқлар Дўстлиги саройи ёнида
Сизни ўз мижозларимиз сафида кўришдан хурсандимиз!

«Трансавтотўризм» жамоаси
Ўзининг беҳудо, шинам, қудай, замонавий автобусларида Ўзбекистоннинг энг тарихий, қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарларига сайёхатлар тақшиқ этиди.
Ўйган, эшитган маълумотларингизни кўз билан кўришингизга ёрдам беришга тайёримиз.
Кўнғирок килинг, мазмуни саёхатда бўласиз.
Тел. 21-05-75, 21-03-51.

БЕШИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).


Уша кечаси ҳоким бу ашрафийларни (олтин) не учун бериб кетди? — деб ўйлади-да, эртаси уларнинг масканига ўз мулозимини юбориб, хузурига етиб келишларини буюрди. Улар саройга боришганда ҳоким илтифот кўрсатиб, меҳмоннавозликни ўрнига қўйди. Шундан сўнг илтифот билан ҳол-аҳвол сўраб, бу ерга нима мушкул билан келганликларини сўради. Вазир ҳокимга ўз мақсадларини изҳор қилиб, бир бойда бир канизак бор экан, биз ана шу канизакка харидор бўлиб келганмиз деб, шаҳзоданинг аҳолини бошдан оёқ ҳикоя қилди. Вазир яна сўзида давом этиб, канизакни олиш учун заримиз камлик қилади. Бинобарин, биримиз Эронга бориб, воқеани шохга баён қилиб, у ердан сийму зар келтиргунча, сенинг ҳукминг билан савдони тўхтатилиб турилса деди.

Бу сўздан ҳоким шод бўлиб, дарҳол бир мулозимни бойнинг олдига жўнатди. Бой ҳоким хузурига келиб салом қилиб, қаддини эгиб, қўлини кўксига қўйиб турди. Ҳоким бойга қараб, бу меҳмонлар сендан канизакни олмоқчи эканлар, унинг баҳоси қанча, қимматга арзигулик ҳусну жамоли борму? деди ҳоким. Бой канизакни таърифида, унинг учоёқ холи бор, ҳусну латофатда оламда тенги йўқ. Тарозунинг бир палласига канизакни, бир палласига дурру гавҳарни солиб баробар тортишлар деди. Ҳоким бойдан сўради, ушбу баҳога розимисан, сотасанму? Бой хурсанд бўлиб, сотдим деди. Ҳоким шаҳзодадан сўради, ушбу нархга розимисан, оласанми? Шаҳзода мамнулик изҳор этиб, оламан деди. Ҳоким ҳар икки томонни муборакбод қилгач, бойга қараб деди, энди канизакни олиб кел! Бой унинг сўзидан ҳайрон бўлиб, ахир канизакнинг қийматини улардан мухайё қил, шундан сўнг канизакни келтирурман деди. Ҳоким бойга деди: бир ой муҳлат бергин, токи булар сийм-зарни топиб келсинлар. Агар шунга рози бўлсанг уларни кўндирурман, рози бўлмасанг канизакни уларга топширурман! Бой кўрқанидан шартга рози бўлди.

Шу куни вазир Эрон заминига қараб йўлга тушди. Карвон Эронга икки юриб борарди. Вазир шаҳзодани ёлғиз қолдириб, кеча-кундуз йўл юриб ўн беш кунда етиб борди. Вазирини кўриб шох бағоят хушнуд бўлди. Вилоят аҳлига кўп суюнчилар ҳада қилди. Вазир ҳазинадан ададсиз сийму зар олиб, шаҳзода хузурига етиб борди. Шаҳзода хуррам бўлиб, кўришлик учун отни вазир томон буриб ниқтади. Вазир ҳам отдан тушмакчи бўлиб турганда от хуркиб қочди. Вазирнинг бир оёғи узангига илинган ҳолда от судраб кетди. Бу қаромат билан вазир оламдан кўз юмди. Бу мусибатдан шаҳзода кўп гамгин бўлди. Вазирни кафанлаб ерга топширдилар, ҳамма мотамда эди. Ҳоким барча ашрофу агёнларни таъзияга йиғиб, шаҳзодага кўп дилдорликлар қиларди. Ҳоким бир мулозимини бойнинг уйига жўнатиб, бой канизакни ўзи билан бирга олиб келсин деб буюрди. Бой канизакни ўзи билан бирга ҳокимнинг хузурига олиб келди. Канизак шаҳзодага қараб шундай деди: эй сафар ичра кўплаб иссиқ-совуқни татиб кўрган жувонмард, менга харидор бўлган йигит сенмисан? Мендан ҳеч бир яхшилик кўрмагайсан, хали ҳам кеч эмас, бу таманнодан кечгил! Мени бошимдан оёғимгача хавфу хатардан иборат, шу боис қон ютиб ўтасан. Бинобарин, мени ўзингдан йироқ қилиб, бу савдони бошингдан чиқорғил!

Шаҳзода деди: розидурман қазога, ҳар қандай балога кўксимни нишон қилгайман. Канизак шакардек лабларидан мажис аҳлига сўз гавҳарини тўқди! Эй йигит агар сен менга бўлсанг харидор, бир неча шартимни сенга изҳор этай. Мазкур шартларни қабул қилсанг савдомиз мустаҳкам бўлади. Вагарна бу соҳада бошқа сўз очмагин. Биринчи шарт шулки мен билан висол онларини бирга кечираман деб хаёлингга асло келтирма. Яна бири менга қўлдек хизмат қилгини, мени султон қўзидек иззат қил! Яна бири сенга кулларнинг исмини қўяман, бундан уялмагайсан. Яна бири ўз мамлакатингга мойил бўлмайсан, ота-онанг хузурига бормайсан. Яна бири Миср томон йўлга чиқиб, пивда юриб боргайсан. Яна бири сафар асносида менга ҳеч бир сўзни сўзламагайсан. Яна бири ҳар кеча тонг отмагунча ётмайсан. Яна бири мендан ҳар қанча офат келса чидаб, тоқат қилгайсан.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Бола кулса — олам кулади. Равиль Альбеков олган сурат.

ЭЪЗОЗ

Санъат шайдоси

Бир донишманддан «Бу дунёда энг мушкул иш нима?» деб сўраганлариде, у зот бир хўрсиниб «Чин дўст топиш», деб жавоб берган экан. Ўтқир Тохиров ҳамкасблари учун ҳам, улар қаторида камина учун ҳам донишманд айтган чин дўстдир. Кўнглида борини айтиб кетадиган, ижодкорларга, ҳаваскорларга ҳам бир хилда маслаҳат бериб, ўйлаган ишининг яхши чиқшига бор маҳоратини сарфлайдиган бу инсон номини бадий ҳаваскорлик санъати ижрочилари ҳурмат билан тилга олишади.

Диёримизда ўтказиб келинаётган Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамларида, республика вилоятлари санъаткорлари ва ижодкор ёшларининг концерт дастурларини тайёрлашда ўзининг маслаҳатларини бериб, ташкилий ишларда бошқош бўлиб келаётган бу санъат шайдосини республикамизнинг энг олис қишлоқларидаги маданият уйлари қошидаги ҳаваскор ижодкорлар ҳам, маданий-маърифий соҳа ходимлари ҳам, халқ амалий санъати усталари ҳам эъзозлашади.

Ўтқир ақанинг янги маданий маросимлар, «Барҳаёт сиймо-лар», «Эъзоз даврасида», «Келинг, бир кулишайлик», «Сизга таъзим, сизга эҳтиром!», «Аёл назокати оламини безар», «Маҳалла — қадриятлар маскани» сингари тadbирларни ўтказишдаги саъй-ҳаракатлари диққатига сазовордир. У бу тadbирларнинг кўпчилигига режиссёрлик қилиб, томошабинлар меҳрини қозонган.

Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази раҳбарининг ўринбосари, самарали меҳнатлари учун давлатимиз томонидан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлган Ўтқир Тохиров бундан буён ҳам бири-бирдан ранг-баранг, одамларга манзур бўладиган тadbирларни ўтказишга ҳисса қўшишни дилига жо қилган.

Рустам ХҲЖАЕВ,
Мухтор Ашрафий номидаги
Тошкент давлат
консерваториясининг доценти.

ҚАТРА

Ўзингга раво кўрмаганни...

Эркин ака полиздорда икки марта қовун узса ҳам ҳосиллари кўл урилмагандек бодраб ётибди.

—Оллоҳ ҳосилга шунчалик барака берганда кўздек қўшнимизни иккита қовун билан йўқласак дедим, адаси, — деди Нури опа Эркин ака хўп деди-у ўзи мўлжаллаган қовунни полиздан ҳа деганда тополмас, бозорбопини узишга эса кўзи қиймасди. Ниҳоят, шуларни қўшнимизга бериб қўй, дея ўғлига иккита қовунни кўлтиқлатди. Орадан икки кун ўтгач ишдан келса ҳовлидаги катта тоғорада сўйилган қовун. Тоғора ёнида эса сертун иккита каттақон қовун турибди.

— Бу қанақаси? — деди тоғорадаги ўзи узган қовуннинг пўчоғидан таниб.

— Қовунингиз ичи тушиб, ачиган экан. Сигирга олиб чиқишибди. Ёнидаги чиройли қовунлар бизга эмши. Яхши қовунларимиз бўлатуриб... Юзимиз шувит бўлди, дадаси. — хафа бўлди опа.

Эркин ака ўз феълидан афсусланиб, ичи тушган қовунидек эзилди.

Ўзингга раво кўрмаганни бировга ҳам раво кўрма, деган гап шундан келиб чиққанмикин?!

Фани АБДУЛЛАЕВ

Бу ажиб дунё

Каравотни тарк этиб

Руминиялик пенсионернинг каравотни тарк этганига ҳам бир йил бўлди. Қизиги шундаки, 81 ёшли Григорий Негрену ана шу вақт оралиғида тулларини тобутда ўтказмоқда. Унинг айтишича, бу билан у ўзини ўлимга тайёрлаб бораётир.

— Ростдан ҳам тadbир ўзининг ижобий натижасини берди, — дейди қария. — Энди ўлим мен учун умуман кўрқинчли эмас.

Негрону махсус тобутда ўзи учун қулай шароит яратиб олганини ҳисобга олмаганда, яқинда жойини боққа кўчиришга ҳаракат қилаётгани ростдан ҳам унинг қабр ёлғизлигига кўникиб бўлганлигидан дарак беради. Аммо у хали соппа-соғ. Ким билади, балки ажал ҳам чолнинг ишларидан хангу манг бўлиб қолардан...

Ҳаммага яхши таниш

Яқинда ярославлик ҳуқуқ-тартибот посбонлари яширин қиморхонани фош этишди. «Ўрмон эртақлари» мажмуи деб номланган бу хушхаво жой нафақат вилоятдаги «янги руслар»га, балки бутун шаҳар аҳлига ҳам яхшигина таниш. Шинам меҳмонхона, ресторани, саунали ховуз...

Бироқ бу мажмуа қутилмаганда вилоят солиқ полицияси эътиборини торти ва улар «ўйинчи» никоби остида «Ўрмон эртақлари»га ташриф буюришиб, сўнг ўз хизмат гувоҳномаларини кўрсатишди. Текширувда уларнинг тахминлари тўғри чиқди. «Ўрмон эртақларининг» бу хил фаолияти хатто бирор маҳкамда қайд ҳам этилмаган.

Энг кизиги, бу қиморхона «чархпалагини» собик милиция майори бўлмиш бир оғир айлантираётган экан.

Озодликдан

махрум этилди

Пётрорск шаҳри суд бири аёлини телефон терроризмида айблаб, б оғга озодликдан маҳрум этди. Боиси, бу аёл навбатчи милиция хизматида кўнгироқ қилиб, «Верхний» бозорига портловчи модда ўрнатилганлигини айтди. Шундан сўнг, милициянинг бир гуруҳи ҳодимлари бозорга, бир гуруҳи хабар етказилган манзилга келадилар. Тинчлик посбонлари уйга келишган вақтда кўнгироқ қилган аёл телефон дастагини ушлаган ҳолда ухлаётган экан.

Сўнгра унинг устидан олиб борилган суд жараёнида ўз қилмишидан пушаймон бўлганлигини ҳисобга олиб, суд маҳкамаси аёлини ярим йил муддатли жазони ўташ учун умумий тартибли колонияга юборди.

Нон дарахти

У жуда дурқун дарахт бўлиб, бўйи 18-20 метр, барглари эса йирик-йирик. Мевасининг оғирлиги 15-20 килограмм келади. Бир туп нон дарахти бир неча юз килограмм «нон» ҳосили бериши мумкин. Мевасининг пўсти гудда-гудда, мағзи сарғиш лимонранг, пишгач, мағзи ҳамирдек юмшаб қолади. Унинг мевасини учи ўтқир ёғоч билан бир неча жойидан тешиб тун бўйи ташқарига қўйилади, эрталабгача ҳамирга ўхшаб «ошиб» қолади. «Хамир»га сув ва норжл ёғи қўшиб ёғоч тоғорада қорилади. Зувалалар банан баргига ўраб тандирда ёпилади. Ундан тайёрланган ноннинг таъми бугдойнон таъмига ўхшаб кетади. Нон дарахти Ҳиндистон иқлимига мослашган бўлиб, кўпроқ ўлканинг жанубида ўстирилади.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎЎГАНИБ ДОМО БУЛАР...

- Ақл — улуғлики, ақсизлик — тубанлики жалб этади.
- Ҳиммати шариф ва олий бўлганларнинг кадр-қиймати ҳам олий даражада бўлади.
- Уз нафисга, орзу-ҳавасига асир бўлган одам инсонийлик иродасига эга бўлолмайди.
- Бир шоир айтади:
**Ёмонларнинг сира пайванди бўлма,
Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма.**
- Искандар Зулқарнайнга устози Арасту ҳақимнинг қилган насихатларидан:

— Эшит, эй Искандар! Сеннинг табиатингда бўлган хислатлардан баъзисини халқ маъқул ва марғуб деб билса, баъзисидан нафратланади, яхши хислатлар — дўстларнинг, ёмон хислатлар — энг баттол душманларингдир. Ёмон хислатларингни яхши хислатларинг орқали битиришга ғайрат қил. Яъни қаҳр ғазабингни сабр-тўзим билан, жоҳиллигини илм-урфон билан, фаромушлигини, унутлишлигини диққат ва эътибор билан йўқ қил.

Эй Искандар, хирс ва таънадан парҳез қил, қаноатли бўл, ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўрма, нафсингнинг майил ва орзуларига чек қўй. Ортиқча майил ва орзулар қалбингни раҳмсиз ва бағри тош қилиб қўяди. Қаҳр-ғазаб аччиқдир. Ичқанд дарахт ширин мева бермайди.

Эй Искандар, доимо инсоф ва адолат билан иш қил, ишларингда икки нарсага таян, бириси — халқнинг кўнглини топиб ўзингдан рози қилиш, иккинчиси — салобатли ва ғайратли бўлишдир.

Байт:
**Қилсанг ҳамма ишларда ривоят инсоф,
Қилгай сени мардум кўзига мўътабар инсоф.**

● Бир олим фозил одамдан: «Қандай қилиб шунча илмни ҳосил қилдинг?» деб сўраган эдилар, у олим: «Билмаган нарсамни сўрашдан ҳеч қимдан тортинмадим, қари, ёш, олим, жоҳил демай ҳаммадан сўрадим, шундай қилиб шунча илм ҳосил қилдим», деб жавоб берган. Воқеан олимнинг сўзлари кўп вақтда тўғри келади. Баъзан бир олим, донишманд ҳал этолмаган бир масалани ўқимаган оддий бир киши ёки бир ёш бола ҳал этиб олимни ҳайратда қолдиради.

Ҳикоят: қадим замонда бир шаҳарда Иброҳим исми меҳнаткаш бир одам яшарди. У кеча-кундуз ишлаб, меҳнати орқасидан анчагина бойлик ҳосил қилди, ортирган пулларини бир кўзачани ичига жойлаштиради. Бир кун эҳтиёжмига ярайди, деган умид билан даладаги ерида кўқариб ўсиб турган жилонжийда дарактининг тагига кўмди.

Орадан бир қанча кун ўтгандан кейин пулга муҳтож бўлиб, кўзачага жойланган пулни олиш учун жилонжийда даракти ёнига келди. Аммо даракт тагини қазиб, кўзачани олиб кетган эдилар. Бу кўнглисиз ҳолни кўрган бечора Иброҳимнинг жиғи бийрони чиқиб, нима қилишини билмай қолди. Унинг ақли, олим, фозил бир таниши бор эди. Дарҳол ўша танишининг ёнига бориб, унга воқеани бирма-бир баён қилди. Фозил одам Иброҳим билан бирга даракт ёнига келди. Олим ўйлади-ўйлади, ҳеч бир натижа чиқара олмади. Шу тобда булар ёнига ўқимаган, содда ва девонасифат бир одам келиб қолди. Иброҳим ва олим ҳалиги одамга воқеани айтиб, унинг фикрини сўрадилар. У киши:

— Жилонжийда дарактининг илдизи касалликка дори бўлган учун илдиз олиш учун қазиганлар, кўмилган кўзачани ҳам топиб олиб кетганлар. — деди. Шу пайтда бир ёш бола ҳам келиб, уларнинг сўзларини эшитиб турган эди.

— Билдим, билдим, кўзачани топиш осон. Бу амаким, жилонжийда илдизи дори дедилар, албатта, бир табиб бир касал кишига жилонжийда илдизи топиб келишга буюрган, у касал одам шу ерга келиб, мана бу жилонжийда дарактининг тагини қавлаб, илдиз ҳам олган, кўзачани ҳам олиб кетган. Энди сизлар табибдан сўранг, қайси табиб кимга жилонжийда илдизини топиб келишни буюрган. Ўша табибни топсангиз, ҳамма иш жойида бўлади, — деди.

Иброҳимнинг олим таниши ҳалиги содда одам ва боланинг сўзларидан ҳайратда қолиб, уларнинг ақл-фаросатларига офарин айтди.

Олим ҳамма табибларни танир эди, улар ёнига бориб суриштиради. Бир табиб:

—Ҳожи Ҳайдар деган касал бир одамга бундан бир неча кун илгари жилонжийда илдизини келтиришни буюрган эдим, олиб келди. Мен дори ясаб бердим, — деди ва у касалнинг қаерда туриши айтди.

Иброҳим ва олим одам касал одамни топиб, воқеани баён қилдилар. У одам:

Бир ердан жилонжийда дарактининг топдим, илдиздан бироз олиш учун тагини қавлаган эдим. Пул солинган кўзачани топдим, уни ўзим билан бирга келтирдим. Агар эгаси чикса топшираман, — деган эди олим:

— Ўша ер мана бу дўстимнинг ери, дўстим камбағал бир одам, ўша кўзачани эгаси бўлган дўстимга топширсангиз савоб иш қилган бўлардингиз, — деди.

Иброҳим кўзачанинг рангини, ичидан қанча пул борлигини айтгач, у киши кўзачани эгасига топширди.

ИБН СИНО ЎЎГИТЛАРИ

Шифобахш ўсимликлар

Гули, танаси, ранги ва бошқа сифатлари билан бири иккинчисидан кескин ажралиб турадиган кўкат ўсимликлари республикамизнинг барча шаҳарларида учрайди. Ибн Сино кўкат ўсимликлардан беморларни даволашда жуда кенг фойдаланган.

Баргизуб

Икки хил: катта-кичик бўлади. Каттасининг барглари йирикроқ, кичигининг барглари майдароқ бўлади. Энг фойдали хили каттасидир. Қон кетишини тўхтатади, қуритилган ҳолда эса ачиштиришлик хусусиятини йўқотади. Шу сабабли яраларни битишига фойда қилади.

● Иссиқ шишлар ва оловдан қуйган жойларга, учуққа, эшакемга, қулоқ ости шишларига фойда қилади.

● Баргларининг ширасини қулоқ оғриғига қарши томизилса оғриқни босади, илдизи чайналса ёки қайнатмаса билан оғиз чайилса, тиш оғриғини тўхтатади.

● Уруғи қон туфлашга фойда қилади. Лавлага ўрнига баргизуб солинган ясмиқ оши астмага фойда қилади.

● Ичаклардаги яраларга ва сафроли ичкетишларга фойда қилади. Бунинг учун баргизубнинг уруғи ичирилади.

Баргизуб бегона ўт сифатида ариқ бўйларига, нам ва зах жойларда, боғ ва экинлар орасида қўллаб учрайди.


Бўтакўз

Тутқаноқда ичирилса ва юз фалажида бурундан юборилса, зўр фойда беради. Бурундан юборилса, мияни тозалайди.

Бўтакўз июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишайди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА



Ёйлар бўйича: 1. Бир ота-бодан тарқалган зурриёт. 2. XII аср охири XIII аср биринчи ярмида яшаб ўтган форс-тожик адабиётшунос олими «Ҳикоялар тўплами» ва «Ривоятлар жиғиси» асари тўплами. 3. Серуруғ хўл мева. 4. Сержун юкюри навли эчки зоти. 5. Давлатнинг қуролли кучлари мажмуи. 6. 0,71 метрга тенг узунлик ўлچови. 7. Миллий ипак газлама. 8. XV асрга мансуб ўзбек мумтоз, фазланавис шоири. 9. Қиримдаги болалар оромгоҳи. 10. Камёб жонивор, ёввойи тоғ қўйи. 11. Самолётларни таъмирлаш ва сақлаш ишхонаси. 12. Жаҳондаги энг катта самолётлардан бирига берилган ном. 13. Чаққон, серҳаркат. 14. Араб алифбо сираси асосидаги ҳисоб илми. 15. Баъзилари хушманзара ўт туркуми. 16. Ҳосили ўриб олинган экинаор. 17. Атоқли тожик ва ўзбек ёзувчиси. 18. Воғга етган от. 19. Ип-иплак аралаш газлама. 20. Суд муассасалари мажмуи. 21. Ҳозиржавоб сўз усталарининг оммавий сайилларида ўтказиладиган баҳси. 22. Оддий ҳарбий хизматчи.

Муаммонома

Шакл марказидаги рақамларда буюқ сохибқирон Амир Темур меросига мансуб ўғитлардан бири яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар жавобларини топиб улар ёрдамида билиб олинг.

1. Алишер Навоий «Хамса» асари таркибидagi «Сабаъи сайёр» достонининг бош қаҳрамони ва бедор маъшуқа — 3, 8, 6, 12, 1, 12, 11.

2. Гап бўлаг — 9, 10, 2.

3. Миллий кийим — 5, 14, 13.

4. Эфиопия давлати пул бирлиги — 4, 8, 1.

5. Франция ва Швейцария худудларидаги тоғларга номдош мезозой эрасининг ўрта даври — 7, 13, 2.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетининг 20 июль сониди берилган бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хондан рақам атрофига соат мили йўналиши-да: 1. Ажам. 2. Рама. 3. «Лада». 4. Адир. 5. Фара. 6. «Наво». 7. Овоз. 8. Този. 9. Дина. 10. Анор. 11. Сари. 12. «Нидо». 13. Одоб. 14. Гоби. 15. Низо. 16. Озон. 17. Бону. 18. Мусо. 19. Олим. 20. Жоме. 21. Режа.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Баҳор. 2. Дулана. 3. Урим. 4. Тонг. 5. Фоя. **Ҳикмат:** Бонги бир боғдон яратди, минг одам баҳраманд бўлади.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик» — деб бежиз айтилмаган. Лекин ҳозирги кунда ишламасдан, белини оғритишни истамай, одамларнинг тинчини бузиб турли хил жиноятларга қўл урадиган кишилар учраб турибди. М.Улуғбек туманида ҳеч қаерда ишламайдиган К.С. ва А.А. лар чет эл фуқароси Ф.М.нинг хонадонига милиция-яданмиз, деб қирган ва пичоқ билан қўрқитиб, «Панаооник» телевизорининг видеонагнитофони билан бирга 13 та сарик металлдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқлар, 950.000 сўм пул ҳамда 3500 АҚШ долларини тортиб олиб кетишган. Жиноят излари йўқолмасдан қора ишга қўл урган шахслар далилий ашё билан ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

● Мамлакатимизда гиёвандликка қарши кураш кенг миқёсда олиб борилаётган бўлса-да, гиёванд моддалар билан шуғулланиб, ўз умрини ҳазон қиладиган юртдошларимиз қонун ҳимоячилари томонидан фош этилмоқда. Сирғали туманида ҳеч қаерда ишламайдиган А.Ч. тўхтатиб текширилганда унинг ёнидан бир ярим килограммдан ортиқ инсонга кучли таъсир этувчи марихуана гиёвандлик моддаси топилди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманида ҳам ИИББ ГМНАҚКБ ходимлари томонидан «Анти-террор» тадбири жараёнида ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган Тожикистон Республикаси фуқароси Ф.Б. гумон қилиниб, ижарада турган хонаси кўздан кечирилганда шақфининг ичиде 2 килограммдан зиёд наркотик марихуана моддасини сақлаганлиги аниқланди. Айни пайтда икки ҳолат юзасидан ҳам жиноий иш очилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Бугунги кунда ҳамюртларимиз хорижда ишлаши, ўқиши ҳамда саёҳат қилишлари учун барча йўллар очик. Бироқ айрим фуқароларимиз ҳуқуқий билимлари саёҳатлиги боис пешона тери билан топган пулларини фирибгарларнинг чўнтағига ташлашмоқда. Яққасарой туманида ҳеч қаерда ишламайдиган бекорчи В.Я. Самарқанд вилоятида яшовчи Б.М.ни алдаб Америкага виза очиб, ўқишга юбораман, деб 5000 АҚШ долларини олди ва кўздан гойиб бўлди. Ушбу фирибгарликка нисбатан жиноий иш қўзғатилади, суриштирув ва тергов ишлари давом этмоқда.

● Бошқа зўравонликлар каби товламачиликнинг ҳам мақсади бойлик, пул, қимматбаҳо нарсаларга эришишдан иборат. Ҳамза туманида мана шундай товламачилик жиноятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар чек қўйди. Фуқаро П.В.нинг таниши П.А. уни товламачилик йўли билан қўрқитиб, «Агар 2600 АҚШ доллари топиб бермасанг уйингни ёкиб юбораман», деб зўравонлик қилган. Шу кунги жабрланувчининг уйда ўтказилган тезкор чора-тадбирлар натижасида П.А. П.В.дан 2600 АҚШ доллари олаётган вақтида далилий ашё билан ушланди.

Замон ЭШКУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи муҳбири.

Муассаси:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 бекма табоқ офсет ускунаси босилади. Қўноқ бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Узбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан урқатади олинган

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқдоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошмақоноси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.